

## **ЎЗБЕКИСТОНДА ВАЛЮТА БОЗОРИ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ САМАРАСИ**

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Хукумати томонидан валюта бозорини либераллашуви йўлида амалга оширган ислоҳотлар ўрганилиб, ислоҳотларнинг мазмун моҳияти ёритилган. Бунда, валюта бозорини либераллашуви пировардида қандай натижалар берадётгани таҳлил қилинган. Ана шу жиҳатлар ўрганилиб, тегишли хулосалар чиқарилди ва яқин истиқболда валюта бозорини либераллашуви йўлида тадбиқ этилиши лозим бўлган таклифлар берилди.

**Калит сўзлар:** валюта, валюта бозорини либераллашуви, ташқи савдо, инвестиция муҳити, резидент, чет эл валютаси, репатриация, валюта биржаси, алмашув курси, валюта интервенцияси.

### **Кириш**

Давлатнинг валютани тартибга солиш сиёсати мамлакатнинг ички ва ташқи иқтисодий манфаатларини акс эттиради. Валютани тартибга солиш давлатнинг валюта сиёсатини қонунчилик асосида амалга ошириш шаклинни ўзида ифодалайди.

Хорижий давлатлар билан ташқи савдо ва валютамолия муносабатлари бўйича мамлакатдаги иқтисодий вазиятнинг тезкорлик билан ўзгариши, валютани тартибга солища янгича холатларнинг юзага келиши ва пайдо бўлган муаммоларни ҳал қилища амалий тажрибанинг этишмаслиги - булярнинг барчаси валютани тартибга солиш мавзусини долзарблигини белгилайди.

### **Адабиётлар шархи**

Хорижий ва маҳаллий иқтисодчилар томонидан дунё пул-молия тизимидағи асосий муаммолар, валютани тартибга солиш восита ва усулларини назарий жиҳатдан ўрганишга ўз илмий ишларида салмоқли ўрин берган.

Халқаро валюта бозорининг функцияси ва валюта бозорининг алоҳида иштирокчилари моҳияти, умумий тамойиллари М.Фридман, Р.Брадшоу, К.Лука илмий ишларида қайд этилган.

М.Гилберт, О.И.Лаврушина, Л.Н.Красавиной каби МДҲ мамлакатлари иқтисодчи олимларининг тадқиқотларида валюта бозорининг ўзига ҳослиги ва тижорат банкларининг валюта муносабатлари соҳасидаги фаолияти алоҳида келтириб ўтилган.

Тижорат банкларида валюта операцияларини амалга ошириш билан боғлиқ назарий ва амалий масалалар Н.Х.Жумаев, Т.С.Расулов, Ф.Ф.Каримов илмий ишларида кўриб чиқилган.

### **Тадқиқот методологияси**

Молиявий операцияларнинг янги турларини пайдо бўлиши натижасида банклар кредит ва тўлов институти сифатидаги анъанавий тарзда фаолият юритиши орқа фонга ўтди.

Валюта айирбошлиш операцияларининг ортиши халқаро савдонинг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ бўлса-да, аслида капитал бозорининг ўсиши ва пул маблағларининг эркин трансчегаравий ҳаракати жаҳон валюта бозори ривожланишининг асосий омилларига айланди.

Валюта операцияларини амалга ошириш масалалари давлат даражасида ҳал қилинган, ҳисобкитблар эса марказлашган ҳолда амалга оширилган режали тузум ва марказлашган иқтисодиёт барҳам топгач, ёш мустақил давлатлар қатори Ўзбекистоннинг олдида давлат бошқаруви даражасидаги муаммолар каби жаҳон ҳамжамиятига самарали интеграциялашувига хизмат қиласидиган валюта муносабатларини шакллантириш масаласи ҳам юзага келди.

Валюта муносабатларини такомиллаштириш ва бозор ислоҳотларини амалга ошириш мақсадида тижорат банкларининг валюта операцияларини тартибга солувчи бир қатор янги қонун, ҳукуқий ва меъёрий хужжатлар қабул қилинди.

Бугунги қунга келиб валютани тартибга солиш соҳасидаги ислоҳотлар ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштиришга қаратилган. Бу эса жаҳон молия бозорига самарали интеграциялашувга кўмаклашувчи методологик базани янада такомиллаштиришни тақозо этади.

### **Таҳлил ва натижалар мухокамаси**


2022 йилда ички валюта бозори ўзгарувчан ташқи бозор конъюнктураси ва иқтисодий ўсишнинг юқори кўрсаткичлари фонида чет эл валютасига бўлган талаб ҳамда таклифнинг юқори суръатларда ўсиши билан ҳарактерланди.

Ички валюта бозорида чет эл валютасидаги умумий таклиф ҳажми (*Марказий банк интервенцияларини ҳисобга олмагандা*) **32,5 млрд** долл. миқдорида шаклланди (*1-расм*).

Хусусан:

- хўжалик юритувчи субъектлар томонидан **14,8 млрд** долл.;
- банклар ва жисмоний шахслар томонидан **12,9 млрд** долл.;
- марказлашган манбалар ҳисобидан **4,8 млрд** долл. сотилди.

Йил давомида Марказий банк томонидан ички валюта бозорида **4,1 млрд** долл. ҳажмда интервенциялар амалга оширилди.



1-расм. Ички валюта бозоридаги таклиф манбалари<sup>1</sup> (млн. АҚШ долл.)

Ушбу даврда чет эл валютасига бўлган талабнинг умумий ҳажми **36,6 млрд АҚШ долларини** ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан **1,4 баробарга** ошиди (2-расм).

### 1. Юридик шахсларнинг валюта операциялари

Юридик шахслар томонидан чет эл валютасига бўлган талаб 2022 йилда 2021 йилга нисбатан **1,3 баробарга** ошиб, **27,7 млрд долларини** ташкил этди.

2022 йилда импортни молиялаштириш манбалари таркибида ички валюта бозорида сотиб олинган маблағлар (конвертация) улуши **58 фоизни**, хорижий валютадаги ўз маблағлари ҳисобига импортни молиялаштириш **32 фоизни**, чет эл валютасидаги кредитлар ҳисобига молиялаштириш эса **10 фоизни** ташкил этди (3-расм).




2-расм. Ички валюта бозори сегментлари кесимида чет эл валютасига бўлган талаб динамикаси (млн. АҚШ долл.)

<sup>1</sup> Ички валюта бозори шархи – 2022 йил [https://cbu.uz/oz/press\\_center/media\\_library/video/valyuta-bozori-ishtirokchilari-uchun-muhim-ozgarishlar/](https://cbu.uz/oz/press_center/media_library/video/valyuta-bozori-ishtirokchilari-uchun-muhim-ozgarishlar/)


Бунда, импортни молиялаштиришда чет эл валютасидаги кредитлар салмоғининг ўтган йилларга нисбатан камайиши асосан хўжалик юритувчи субъектларнинг ўз маблағлари салмоғининг ортиши билан изоҳланади.

Жорий йилда ички валюта бозорида чет эл валютасининг асосий қисми (**56.6 фоиз**) ишлаб чиқариш учун асбоб-ускуналар, товарлар ва хомашё импорти, **18.8 фоизи** хорижий кредитларни сўндириш, **20.8 фоизи** халқ истеъмоли товарлари ва дори-дармон маҳсулотлари импорти, **2.1 фоизи** хорижий инвесторлар даромадларининг репатриацияси ва қолган **1.7 фоизи** бошқа мақсадлар учун харид қилинган (*4-расм*)



**3-расм. Импортни молиялаштириш манбалари (фоизда)**

2022 йилда ички валюта бозорида чет эл валютасини харид қилган хўжалик юритувчи субъектларнинг ойлик ўртача сони 11 497 тани ташкил этиб, 2021 йилга нисбатан **16,3 фоизга** ошган (*2021 йилда – 9 887*).



**4-расм. Чет эл валютасини сотиб олиш мақсадлари**

## 2. Жисмоний шахслар билан амалга оширилган операциялар

Хисобот даврида жисмоний шахслар томонидан тијорат банкларига сотилган чет эл валютаси миқдори **11,9 млрд долларни ташкил этди (5-расм)**.

Шу билан бирга, жисмоний шахсларга **8,9 млрд долл.** сотилди ҳамда ушбу кўрсаткич 2021 йилга нисбатан **1,9 баробарга ўси**ди (*2021 йилда – 4,6 млрд долл.*).<sup>2</sup>

Жорий йилда жисмоний шахсларнинг чет эл валютаси таклифи ҳажми унга бўлган талаб ҳажмидан **2,9 млрд долларига ортиқ бўлди**<sup>2</sup>.

Бу ўз навбатида, ички валюта бозорида қўшимча таклиф манбаи бўлиб хизмат қилди.



5-расм. Жисмоний шахслар билан амалга оширилган операциялар<sup>3</sup>


2022 йилда халқаро пул ўтказмалари орқали республикага **16,9 млрд долл.** миқдорида валюта маблағлари келиб тушган бўлиб, ушбу кўрсаткич ўтган йилларга нисбатан сезиларли даражада ошиди (*2020 йилда – 6 млрд долл. ва 2021 йилда – 8,1 млрд долл.*) (6-расм). Ушбу ҳолат қуидаги омиллар билан изоҳланади:

- аввал юклаб жўнатилган маҳсулотлар (кўрсатилган хизматлар) (дебитор қарздорлик) бўйича тўловлар ҳамда экспорт учун олдиндан тўланган бўнакларнинг ошиши;
- Россиядаги геосиёсий вазият таъсирида (капитални сақлаб қолиш мақсадида) республикадан чиқиб кетган валюта маблағларининг айrim қисмини экспорт тушумлари кўринишида ҳамда импорт шартномалари бўйича олдиндан тўлов сифатида Ўзбекистонга кириб келиши;
- Россия хукумати томонидан “парралел” импортга рухсат берилиши ва Россия хўжалик субъектлари томонидан Европа билан боғлиқ бўлган

<sup>2</sup> Ички валюта бозори шархи – 2022 йил [https://cbu.uz/oz/press\\_center/media\\_library/video/valyuta-bozori-ishtirokchilari-uchun-muhim-ozgarishlar/](https://cbu.uz/oz/press_center/media_library/video/valyuta-bozori-ishtirokchilari-uchun-muhim-ozgarishlar/)

<sup>3</sup> Ўша манба

импортни Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистон орқали амалга ошираётганлиги билан изоҳланади.



**6-расм. Халқаро пул ўтказмалари орқали республикага келиб тушган валюта маблағлари ҳажми (млн.АҚШ долл.)**

### **3. Алмашув курси динамикаси**

Жорий йил давомида миллий валютанинг алмашув курси динамикаси ички валюта бозоридаги талаб ва таклиф факторлари, шу билан бирга, ташқи ва ички омилларнинг таъсирида шаклланди.

Жаҳондаги геосиёсий кескинликларнинг юзага келиши, савдо ҳамкор давлатлар валюталарининг қадрсизланиши ҳамда ахоли ва хўжалик юритувчи субъектлари девальвацион кутилмаларининг ортиши фонида март ойининг дастлабки ҳафталарида хорижий валютага нисбатан талаб сезиларли даражада ошиши кузатилди. Натижада, миллий валюта айирбошлаш курси йил бошига нисбатан **7 фоизгача қадрсизланиши** кузатилди.

Бунда, пул-кредит сиёсатининг ўз вақтида қатъийлаштирилиши валюта бозорининг барча сегментларида хорижий валютага талабнинг сезиларли даражада пасайишига ва таклифнинг ортишига таъсир кўрсатган бўлса, мослашувчан алмашув курси ташқи шокларнинг салбий оқибатларини юмшатишга хизмат қилди.

Умуман олганда, 2022 йил давомида миллий валютанинг АҚШ долларига нисбатан тебраниши **10801-11572** доллар/сўм диапазонида шаклланди ва **3,9 фоизга қадрсизланди**.

Миллий валюта алмашув курси динамикаси шаклланиши геосиёсий вазиятнинг ўзгариши, ички валюта бозори иштирокчиларининг кутилмалари ҳамда ташқи молия бозорлари конъюнктурасига боғлиқ бўлади. Марказий банк дисбаланслар ортиб бориши олдини олиш мақсадида эркин шаклланувчи валюта алмашув курси режимига амал қилиб боради ҳамда олтин-валюта захиралари нейтраллик принципини таъминлайди.

## **Хулоса ва таклифлар**

Юртимизда валюта бозорини либераллашуви натижасида юридик ва жисмоний шахсларнинг чет эл валютасини эркин сотиб олиш ва сотиш ҳамда ўз маблағларини ўзининг хоҳишига кўра эркин тасарруф этиш ҳуқуқларини рўёбга чиқариш таъминланди, шунингдек миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини белгилашда фақатгина бозор механизмларини кўллаш жорий этилди.

Иқтисодиётнинг барча секторларига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва технологиялар жалб этишга хизмат қиладиган ишбилармонлик ва инвестиция муҳити яхшиланди.

Қолаверса монетар ва фискал сиёсатни мувофиқлаштириш ҳамда Давлат бюджетининг мутаносиблигини таъминлаш орқали пул массаси ҳаддан зиёд ўсишининг олди олинди.

Банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш ва унинг таваккалчиликларга бардошлилигини, шу жумладан, валюта сиёсатини либераллаштиришнинг вужудга келиши мумкин бўлган салбий таъсирини юмшатишга қаратилган самарали чораларни кўллаш ҳисобига ошириш.

## **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.09.2017 йилдаги “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чоратадбирлар тўғрисида”ги ПФ5177-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.01.2022 йилдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60сонли Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 21 декабрь 2022 й.

4. Ўзбекистонда миллий валюта тизимини ривожлантириш: муаммолар ва ечимлар. Жамоавий монография. (и.ф.д., проф. Н.Х.Жумаев таҳрири остида) – Тошкент: “Молия”, 2011. – 184 бет.

5. Жумаев Н.Х. Узбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш: 08.00.07 - «Молия, пул муомаласи ва кредит»: и.ф.д.. дисс. автореферати. -Т., 2008. -36 б.

6. Лаврушин О.И., Афанасьев О.Н. Банковское дело: современная система кредитования. -М.: КноРус, 2017. – 432 бет.

7. Гилберт М. В поисках единой валютной системы. - М.: ПРОГРЕСС, 1984. - 95 бет.

8. Curran W. Banking and the global system. – Cambridge, 1979. -418 p.

9. <https://www.cbu.uz>

10. <https://www.stat.uz>

11. <https://finansist.uz>